

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 05/07 (575.1)

Пардаев Қўлдош Узоқович

МИЛЛИЙ УЙГОНИШ ДАВРИ МАНБАЛАРИДА АДАБИЙ ВА
ПУБЛИЦИСТИК МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ
("АЛ-ИСЛОХ" ЖУРНАЛИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

10.01.11 - Адабий манбашунослик ва матншунослик
10.01.10 - Журналистика

Филология фаълари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2008

1. ТАДЖИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин илгари ўрганиш таъкивланган манабаларни тадқиқ этиш учун кенг имконият пайдо бўлди. Уларни илмий-тадқиқот доирасига киритиб, олинган натижаларини кенг жамоатчиликка тақдим этиш алаббёт илмининг, хусусан манабунослик ва матншуносликнинг устувор назифаларидан биридир. Айни пайтда, бу алаббётимиз тарихда мавжуд бўлиб келаётган муайян кемтикликни тўлдирини ҳам шубҳасиздир. Зеро, алаббёт-тарихий манабаларни ўрганиш бой ўтмишимизнинг бизга номаълум саҳифаларини очинди, алаббёт матн ва таъкиддаги хатоларни тузатишда муҳим аҳамият касб этади. Президент И.А.Каримов тўғри таъкидлаганидек, "Бешафқат дашр синовларидан омон қолган энг қадимги тошбузулар, битниклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортик кўлэзма асарлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир... Ота-боболаримизнинг асарлар давомида тўнлаган ҳаётий тажрибалари, диний-ахлоқий, илмий қарашларини ўзида муҳассам этган бу нодин кўлэмаларни жиддий ўрганиш дашри келди."¹ 1915-1918 йилларда нашр этилган "Ал-Ислох" журнали ҳам ана шундай манабалар сирасига киралди.

Маълумки, XX аср биринчи чораги Туркистон ижтимоий ҳаётида жадидчилик ҳаракати ўзига хос мавқега эга бўлган. Унга муайян маънода муҳолиф саналган "қадимчилик" ҳам ижтимоий заминига, фасал ҳаракатга бўлган қучларига эга эли. Жадидчилик ҳаракатининг гоё ва фикрлари XX аср 10-йилларидан сўнг "Салон Туркистон", "Салон Фаргона", "Бухорон шариф", "Турон", "Самарқанд", "Хуррият" каби газеталарда, "Ойна" журналида акс этган бўлса, қадимчиларнинг қарашлари маълум даражада "Ал-Ислох", "Ал-Изоҳ" журналларида ўз ифодасини топган, тарздаги қарашлар мавжуд. "Ал-Ислох"га оид бу фикрнинг ҳақиқатга қанчалик мувофиқлиги ҳақида унинг барча сонларини тадқиқ этиш асосида ҳулоса чиқариш илмий ва мантқиқий жиҳатдан тўғри экани шубҳасиздир. Айни замонда, мазкур манабаи синчиқлаб ўрганиш жадидлар билан қадимчилар муносабатининг моҳияти нимадан иборат бўлганини аниқлашга ҳам муайян даражада кўмаклашади.

"Ал-Ислох" журнали Туркистон халқлари тарихининг мураккаб дашрида нашр этилиб турди. Биринчи жаҳон уруши, Туркистонда мардикорликка олиш сиёсати ва унга қарши маҳаллий халқнинг оммавий чиқишлари, фебрал ва октябр тунтаришлари, Туркистон мухториятининг юзага келиши ва йўқ қилиниши, шўролар тузумининг ўрнатилиши ва секин-аста қуч ола бориши, янгича мустақиллик кўринишига қарши маҳаллий аҳолининг қўзғалиши – булар "Ал-Ислох" нашр этилган

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети матншунослик, миллий уйғонини ва ҳозирги Ўзбек адабиёти кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори
Нурбой Жабборов

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори,
профессор Саидбек Ҳасанов

филология фанлари номзоди,
доцент Бойбўта Дўсқораев

Ўтақчи ташкилот: Илмий номидаги Тошкент
давлат педагогика университети

Диссертация химояси 2008 йил *деф* ойининг *27* куни соат *12* да Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.067.02.16 рақамли Ихтисослашган кенгаш мажлисида ўтказилади.

Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ЎЗМУ,
Ўзбек филологияси факультети, 409-ауд.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Илмий кутубхонасида танишиш мумкин. (100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси.)

Авторферат 2008 йил *феврал* ойининг *22* куни тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий қотиби,
филология фанлари номзоди



¹ Каримов И. А. Адолатли жаънат сирри. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 32.

таназул гирдобда қолган миллатнинг нури истиқболга ҳизмат қилишига эришмоқ эди. Гўзалларнинг кўзу қошига эмас, маърифатга муҳаббат изҳор этиш тавсияси ҳам бунинг далилидир. Таъкиллаш ҳолини, бадний адабиётнинг ижтимоий функциясини тораёнлиқда уринишдан иборат бу қарашларда қадимчиларнинг фикрлари устуворлик қилганини сезиш мумкин. Шунга қарамай, бу мунозаралар янги адабиётнинг, янги адабий-эстетик қарашларнинг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этди.

6. Журнал саҳифаларида миллий тил софлиги учун қураш мавзула ҳам бир қанча мақолалар эълон қилинган. Жумладан, Иброҳим Тоҳирийнинг "Ал-Ислоҳ"да босилган "Матбуот ва ислоҳ" мақоласи "Обида", "Салон Фаргона", "Салон Туркистон" каби нашрларда ҳам акс-садо берди. Бу мавзулаги мақолалар "ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон онна ҳаёти" (Авлоний таъбири) ҳисобланган тил ва адабиёт равиши вакили куйинчақлик билан ёзилгани жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир. Мутахассислар яқдил эътироф этганларидек, бу мунозаралар адабиёт ривожига, танқидчилик тараққиётида муҳим ижобий роль ўйнади.

7. "Ал-Ислоҳ"даги мусиқага оид баҳаслар миллий мусиқа тарихига оид муҳим факт ва далиллар ўртага ташлангани, ислом шариятининг мусиқага муносабати масъаси илмий счмнини топгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Турлича қарашлар, ихтилофли мулоҳазалар ҳақиқатни ойдинлаштиришга, шарият мусиқа илмини нафақат жонз деб ҳисоблагани, ҳатто унинг ривожини учун зарур шароит ҳам яратгани ҳақидаги ҳулосага келиш имконини беради. Бу борадаги баҳс-мунозаралар ўз даврида миллий тафаккурнинг ривожини учун муайян туртки бўлди, дейиш мумкин.

8. Журналда нашр қилинган мусиқа ва театр санъатига оид баҳаслар жадид-қадим муносабатларини янгилаш асосида илмий асос берилиши билан ҳам қимматлидир. Бинобарин, жадидлар ва қадимчилар муносабатини муросасиз икки рақиб муносабати деб қараши тўғри эмас. Ҳар иккала тараф ҳам миллатнинг ёруғ истиқболини орзу қилган. Фақат уларнинг бу боралари қарашлари тафовутли бўлган, ҳолос. "Ал-Ислоҳ"даги Ҳолмуҳаммад Тўрақулнинг "Ислоҳи талаб", имзосиз чоп этилган "Нажот ва ҳулоса нимада?" сарлавхали мақолаларнинг тахлили шундай ҳулоса чиқаришга асос беради.

9. Ижтимоий-сиёсий мавзулаги мақолалар ҳам журналдан кенг ўриш олган. Ўлда кечаётган сиёсий воқеалар хабари, Туркистон халқининг мардикорликка олиниши, 1917 йилги инқилоб тўғрисидаги мақолалар шулар жумласидандир. Бу мавзулаги мақолалар тахлили "Ал-Ислоҳ" муаллифларининг жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараённинг фаол иштирокчиси бўлганини ҳамда журнал ўша даврнинг нуфузли нашрларидан эканини кўрсатади.

10. Таназул гирдобига тушган ўлка ва унинг халқи дунёқарашда ўзгаришлар пайдо қилиш, юртин тараққий этган мамлакатлар каторига олиб чиқилиш, бунинг учун ўз таъсир доирасини кенгайтириши, узок асрлар

давомида халқ эътиқод қилиб келаётган ислом дини қонуни-қондаларини замона талаблари билан ўйунлаштириши, миллат маърифатини юксалтириши – журналда нашр этилган адабий асарлардан, ижтимоий-сиёсий ва маърифий мақолалардан кўзланган асл мўддао шу эди. "Ал-Ислоҳ" ўз номи билан жамият ҳаётини ислоҳ этиши, қотиб қолган қарашларни янгилаш мақсадини кўзда тутган, журналнинг бутун фаолияти шунга қаратилган эди.

11. Маърифат ва жаҳолат талқини – "Ал-Ислоҳ"да эълон қилинган материаллар ана шу масала атрафида мужассам бўлади. Журналда маъзур мавзула чоп этилган шеър ва мақолалар миллатни жаҳолат зулматига тортаётган иллатлар танқиди ва нури истиқболга олиб борувчи куч – маърифат тарғибига бағишлангани билан алоҳида ажралиб туради.

12. "Ал-Ислоҳ"да нашр қилинган фиксий баҳаслардан кўзланган бош мақсад ислом ва замонавий билимлар, ислом ва дунёвий тараққиёт масалаларини янгилаш идрок этиш, исломий маърифат замон тараққиётининг барча талабларига жавоб бериши, бу динга эътиқод ва амал қилиш таназулга эмас, маънавий-ахлоқий қомилликка сабаб бўлишини Қуръон қарим ва ҳадиси шарифлар, фақиҳ олимларнинг илтиҳодлари мисолида исбот этиш бўлган. Журналда нашр этилган имзосиз "Йимон надур?", "Фазлулвахҳоб қорининг "Зарурий саволлар", Мулла Олимхон томонидан "Мулла Ҳошим саволига жавоб" каби бир қанча мақолалар тахлили шундай илмий ҳулосага олиб келади.

Умуман, "Ал-Ислоҳ" журнали миллий ўйғониш даврининг бошқа нашрлари катори миллатни асрий жаҳолат гирдобидан олиб чиқилиш, тараққий этган миллатлар даражасига кўтарилиши каби замоннинг энг долзарб ва ҳеч қачон эскирмайдиган вазифаси йўлда ҳизмат қилди. Бу журнал фаолиятининг ўрганилиши адабий манбаъчинослик ва матнчинослик ҳамда миллий журналистика соҳалари ривожига муайян ҳисса қўнади, деган умиддамиз.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни диссертантининг қуйидаги мақолаларида ўз ифодасини топган:

1. Пардаев Қ. Ҳақиқатни аниқлаш баҳаслар // Филология масалалари. – Тошкент, 2006. - №2 (11). Б. 82 - 87.
2. Пардаев Қ. "Ал-Ислоҳ" ва таълим ислоҳи // Тафаккур. – Тошкент, 2006. - №2. - Б. 88 - 89.
3. Пардаев Қ. Маърифатга йўл тутиб // Ўзбекистон матбуоти. – Тошкент, 2007 - №1. - Б. 37.
4. Пардаев Қ. "Ал-Ислоҳ" ҳақида // Халқоғ. – Тошкент, 2007. - №4. Б. 27.
5. Пардаев Қ. "Ал-Ислоҳ" журнали адабий манба сифатида // ЎЗМУ Ёш тадқиқотчилари илмий ишлари тўплами. – Тошкент, 2004. - Б. 274-277.
6. Пардаев Қ. Жаҳид матбуотида миллий тўя масалаларнинг ёритилиши // Фанларнинг фалсафий масалалари (аспирант ва тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари тўплами). – Тошкент, 2005. - Б. 53 - 57.